

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ТАСВИРИЙ САНЪАТ ВА МЕХНАТ КАФЕДРАСИ**

Ўктамжонова Мафтунанинг

5140700 – тасвирий санъат ва муҳандислик графикаси таълим йўналиши
бўйича бакалавр даражасини олиш учун **“Тасвирий санъат дарсларида
ўқувчиларни жаҳон тасвирий санъат музейлари билан таништириш”**
мавзусидаги битирув малакавий иши

Раҳбар:

Ўқитувчи Абдуллаев Н.

Мундарижа:

I-Боб. Тасвирий санъат дарсларида ўқувчиларни жаҳон тасвирий санъат музейлари билан таништиришнинг педагогик асослари

1.1. Музейларнинг маънавий юксалиши ва тарихий тараққиёти.....

1.2. Ўзбекистон ва Жаҳоннинг энг йирик тасвирий санъат музейлари.....

II – Боб. Тасвирий санъат дарсларида ўқувчиларни жаҳон тасвирий санъат музейлари билан таништиришнинг шарт-шароитлари.

2.1. Ўқувчиларни жаҳон тасвирий санъат музейлари билан таништиришнинг самарали йўллари.....

2.2. Музейлар – тарихий хотирани жонлантириш омили сифатида.....

Хулоса ва илмий методик тавсиялар.....

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....

Иловалар.....

КИРИШ

Музей – халқ тарихининг кўзгуси эканлигини назарда тутсак, у шу халқнинг фарзандлари – келажак авлод қалбида фахр-ифтихор туйғусини уйғота олиши керак. Бизнинг вазифамиз эса буюк тарихимизни мана шундай маърифий масканлар ёрдамида авлодларимизга тўлалигича етказиб беришдан иборат.

ИСЛОМ КАРИМОВ

Ўзбекистоннинг мустақилликка эришиши иқтисодий ва сиёсий ҳаётнинг барча жабҳаларида бўлганидек маданий соҳада, шу жумладан, бой ўтмиш меросимизни ўрганиш, сақлаш ва уни кенг халқ оmmasига тарғиб этиш борасида ҳам туб бурилиш ясади. Ватанамиз ижтимоий ҳаётидаги ўзгаришлар, янгиланишлар қаторида Ўзбекистон ҳудудидаги музейлар фаолиятида ҳам янги давр бошланди. Республикамиз Президентининг “Музейлар фаолиятини тубдан яхшилаш ва такомиллаштириш тўғрисида”ги фармони 1998 йил 12 январда қабул қилиниб, у музей ва музей ходимларининг ҳаётида катта аҳамият касб этди. Мамлакатимиз ҳудудида мавжуд бўлган музейлар фаолиятини такомиллаштириш, уларни халқнинг маънавий ахлоқий камолотида тутган ўрнини янада ошириш мақсадида “Ўзбекмузей” жамғармаси тузилди. Бугунги кунда мамлакатимиз ҳудудидаги турли муассасалар, корхоналар, қурилиш ташкилотлари, қишлоқ, жамоа бошқарув хўжаликлари қошида, шаҳар, туман, вилоят марказларида, халқ таълими тизимида жаъми 1200 дан ортиқ музейлар бўлиб, уларнинг энг йириклари пойтахтда жойлашган. Шу билан биргаликда ўнлаб ёзувчилар, шоирлар, рассомлар, олимлар ва машҳур санъат арбобларининг уй музейлари ҳам фаолият кўрсатмоқда.

Музейлар маданий-маърифий муассаса ҳисобланиб, унинг вазифаси тарихий ҳужжатлар, маданий ва маънавий ёдгорликларни тўплаш, табиий бойликлардан намуналар жамлаш ва сақлаш, уларни илмий жиҳатдан ўрганиб кўргазмаларга қўйиш ва кенг халқ оммасига ҳавола қилишдан иборат. Музейлар аҳолининг кенг табақалари ўртасида маданий-маърифий ишларни олиб боради. Музейлар фаолияти халқнинг тарихий тараққиёт жараёнида ривожланиб бориши, қўлга киритган ютуқлари ҳамда қолдирган бой маданий-маънавий мероси хусусида жуда катта билимлар беради. Музейлар маданий-маърифий муассаса сифатида омманинг ижтимоий эҳтиёжларини қондириш, уларни маънавий камолотга етказишнинг энг етакчи воситаларидан ҳисобланади.

Юртимизда янги-янги музейларнинг ташкил этилиши, пойтахтдаги энг йирик ва нуфузли Темурийлар даври тарихи, Қатағон қурбонлари хотираси, мамлакатимиз жанубида жойлашган Термиз шаҳридаги Археология музейининг очилиши ҳукуратимиз томонидан музей ва музейшунослик соҳасида ниҳоятда катта ишларнинг амалга оширилаётганидан далолат беради. Янги музейларнинг ташкил этилиши билан бир қаторда шу вақтгача ҳам фаолият кўрсатиб турган барча катта-кичик музейлар фаолиятини тубдан яхшилаш, миллий истиқлол руҳида қайта ташкил этиш масаласига ҳам алоҳида эътибор билан қаралмоқда. Жумладан, Ўзбекистон тарихи музейининг қайтадан очилиши, музей экспозиция залларининг янги лойиҳа ва режалар асосида жиҳозланиши фикримизнинг ёрқин далилидир. Барча вилоят ҳудудларида жойлашган бошқа музейлар фаолиятида ҳам янгиланиш, яхшиланиш сари қадам қўйилаётгани сезилиб турибди. Чунки музейлар шу куннинг долзарб муаммоларидан бири бўлган ҳар томонлама ривожланган, маънавий етук, комил инсон тарбиясида ўзига хос алоҳида ўрин тутади. Музейларда сақлаб, намойиш этилаётган тарихий ҳужжат ва халқ маданиятига оид ашёлар янги авлодга аجدодлари ўтмиши, ҳаёти, юксак маънавиятидан

дарак бериб, унинг воситасида Ватанга бўлган муҳаббат, ота-боболари қолдирган маданий меросга нисбатан ҳурмат, эъзоз, уларга муносиб ворислар бўлиш туйғусини уйғотади. Шунингдек, ёшларни одобу ахлоққа, ҳалоллигу покликка, ботирликка, мардлик, ватанни ҳимоя қилиш, аждодларидек моҳир, сабр- қаноатли, ақлли, адолатли, ҳақгўй, меҳр-мурувватли бўлишга чақиради. Маданий меросимизни ҳар томонлама ўрганиш жамиятимиз келажаги бўлган йигит ва қизларда миллий ғурурнинг, миллий ифтихор туйғусининг шаклланиш жараёнини амалга оширади.

Битирув малакавий ишнинг мақсади: Тасвирий санъат дарсларида ўқувчиларни жаҳон тасвирий санъат музейлари билан таништиришнинг мазмуни, шакл ва воситаларини ишлаб чиқиш.

Битирув малакавий ишнинг объекти: Тасвирий санъат дарсларида ўқувчиларни жаҳон тасвирий санъат музейлари билан таништириш жараёни.

Битирув малакавий ишнинг предмети: Тасвирий санъат дарсларида ўқувчиларни жаҳон тасвирий санъат музейлари билан таништиришнинг шакл ва методлари.

Битирув малакавий ишнинг вазифалари:

1. Тасвирий санъат дарсларида ўқувчиларни жаҳон тасвирий санъат музейлари билан таништиришнинг ҳозирги ҳолатини ўрганиш.
2. Тасвирий санъат дарсларида ўқувчиларни жаҳон тасвирий санъат музейлари билан таништиришнинг интерфаол методларидан фойдаланишнинг мазмун ва моҳиятини ёритиш.
3. Тажриба-синов ишларини ташкил этиш ва таълим самарадорлигини аниқлаш.

Битирув малакавий ишнинг методлари: тадқиқот муаммосига оид педагогик, психологик ва методик адабиётлар мазмунини ўрганиш, назарий жиҳатдан таҳлил этиш; таълим жараёнини технологик ёндашув

асосида ташкил этишда ўқитувчи маҳоратининг мавжуд ҳолатини ўрганиш; педагогик кузатув; суҳбат; анкета сўрови; педагогик тажриба; математик-статистик метод.

Битирув малакавий ишнинг методологик асоси:

Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида» ги қонуни «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури», Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Олий ва Ўрта махсус халқ таълими вазирликлари томонидан қабул қилинган қарорлар, Ўзбекистон Республикасининг “Табиат муҳофазаси ва табиат бойликларидан оқилона фойдаланиш тўғрисида” ги Қонун ва Вазирлар Маҳкамасининг қонун талабларининг бажарилиши тўғрисидаги қарорлари, меъёрий ҳужжатлар; Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов томонидан таълим соҳасидаги илгари сурилган ғоялар биритув малакавий ишимизнинг методик асосини ташкил этади.

Битирув малакавий ишнинг илмий янгилиги: Таълим жараёнини технологик ёндашув асосида ташкил этиш муаммосини педагогик йўналишда мустақил тадқиқот сифатида тадқиқ етилди; таълим жараёнини технологик ёндашув асосида ташкил этишга йўналтирилган педагогик фаолият мазмунини ва методикаси аниқланди; мазкур фаолият самарадорлигини таъминловчи шакл, метод ва воситалар тизими ишлаб чиқилди; таълим жараёнини замонавий педагогик технологиялар асосида ташкил этиш воситасида таълим самарадорлигини янада оширишга хизмат қилувчи методик тавсиялар ишлаб чиқилди.

Битирув малакавий ишнинг амалий аҳамияти:

Тасвирий санъат дарсларида ўқувчиларни жаҳон тасвирий санъат музейлари билан таништиришнинг омиллари, йўллари, педагогик шарт-шароитлари кўрсатиб берилди. Тадқиқот ишида илгари сурилган назарий қарашлар таълим-тарбия жараёнини мазмунан бойитади, ушбу жараённи такомиллаштиради ҳамда таълим-тарбия жараёни самарадорлигини оширишга хизмат қилади. Тадқиқот натижаларидан таълим

самарадорлигини ошириш борасидаги адабиётлар, қўлланмалар ҳамда услубий ишланмаларни яратишда фойдаланиш мумкин.

Битирув малакавий ишнинг таркибий тузилиши: Ушбу битирув малакавий иши кириш, 2 боб, 4 параграф, умумий хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхатларидан иборат

I-Боб. Тасвирий санъат дарсларида ўқувчиларни жаҳон тасвирий санъат музейлари билан таништиришнинг педагогик асослари

1.1. Музейларнинг маънавий юксалиши ва тарихий тараққиёти

Мустақиллик туфайли республикамизда музейларга бўлган эътибор янада ошди. Хусусан кейинги 10 йил ичида Давлат қармоғидаги музейлар сони 140 тани ташкил этди. Шулардан тарих музейлари 75 та, Ўлкашунослик музейлари 23 та, Бадиий Санъат Кошоналари 10 та, мемориал муассаса 20 та, адабиёт музейлари 8 та, табиат музейлари 4 тадан иборат. Айти пайтда буларда 1 миллион 600 мингдан ортиқ экспонатлар мавжуд.

Инсон тинимсиз гўзалликка интилади, гўзалликни ижод қилмасдан, ундан маънавий- руҳий завқ олмасдан ва шу орқали ўз турмушини безатмасдан яшай олмайди.

Дунёдаги барча халқлар каби ўзбек халқи ҳам жуда қадим даврлардан буён халқ руҳияти, турмуш шароитларини ўзида акс эттирувчи амалий санъат асарларини яратиб келган. Табиийки, моддий маданият маҳсули бўлган халқ амалий санъат асарлари ижтимоий ҳаётнинг бир босқичидан иккинчисига мерос бўлиб ўтиб, авлодларнинг беқиёс маданий бойлигига айланиб бораверади.

Жамиятни маънавий, ахлоқий камолга етказишга кенг аҳоли оммасини, айниқса, ёш авлодни тарбиялашда музейларнинг катта аҳамият касб этишини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус ўқув юртлари, Маданият ва спорт ишлари ва Халқ таълими Вазирлигининг 2002 йил июнь ойида қабул қилинган Республика Олий ва ўрта- махсус, касб-хунар ва умумий ўрта таълим муассасалари ўқувчи ва ёшлари ўртасида маънавий маърифий ишларни кучайтириш тўғрисидаги қўшимча буйруқлари ва шу асосда вилоят ҳокимлигининг қарор,

тадбир-режалари ва кўрсатмалари музейлар ва ўқув юртлари ўртасидаги мустаҳкам алоқа ўрнатиш, ҳамда маданий маърифий ишларни ҳамкорликда олиб боришга кенг имкониятлар яратиб берди.

1996 йил 18 октябрда Тошкентда очилган Темурийлар тарихи Давлат музейи Ўзбекистонда амалга оширилаётган маърифий ва маънавий ишлар борасида йирик тарихий ва маданий ёдгорлик, илмий тафаккур маркази бўлиб қолди. Музей экспонатлари жуда катта тарихий қимматга эга бўлиб, Темурийлар даври руҳини беради. Музейга қўйилган тилла буюмлар, қурол-аслаҳалар, лашкарбоши ва оддий жангчиларнинг кийим - бошлари, мусиқа асбоблари, ўша даврга хос жиҳозлар, Амир Темур, Бобур кўлёмалари, Улуғбекнинг астронмик қурилмалари ва бошқа маданий бойликлар шулар жумласидандир.

Шу йили 1 сентябрда Тошкентда Осиёда ноёб ва ягона бўлган Олимпия шон-шухрат музейи очилди. Бу музей-ўзбекистонлик спортчиларнинг турли жаҳон мусобақаларида қўлга киритган муваффақиятларини, медалларини фақат намойиш этадиган жойгина бўлиб қолмай, балки мамлакатимизда спорт ҳаракатини ривожлантириш маркази ҳам бўлиб қолди.

Республикада яна кўплаб бошқа музейлар ташкил топди.

Чунончи, 1992 йил май ойида Наманганда улуғ ўзбек шоири Бобораҳим Машраб музейи очилди. 1992 йил сентябрда Хоразм вилоятининг Хонқа туманида миллий мумтоз мусиқа ва куйларнинг машҳур ижрочиси, Хоразм ҳофизлар мактабининг асосчиси Хожихон Болтабоев номидаги ўзига хос ноёб мақомчилар музейи ташкил этилди. Урганчда шу ойда эса қадимги Хоразм Амалий санъати ва тарихи музейи очилди. Бу музей экспозицияларини уч мингга яқин турли экспонатлар тарихий ҳужжатлар, қадимги хоразмликлар фойдаланган уй-жой анжомлари, тикувчилик ва гилам маҳсулотлари, идиш – товоқлар, меҳнат қуроллари ташкил этади.

1992 йил ноябрь ойида Бухорода Ўзбекистонда биринчи марта темирчилик музейи очилди. 1992 йил декабрда Самарқанд вилоятининг Оқтош шаҳрида очилган халқ бахшиси Ислом шоир Назар ўғлининг Уй-музейи биринчи меҳмонларни қабул қилди. 1993 йил 3 сентябрда Тошкентда ўзбек аёллари ичидан чиққан биринчи ҳуқуқшунос олима академик Хадича Сулаймонова музейи очилди. 1993 йил 1 сентябрда Тошкент Давлат техника университети қошида Ўзбекистонда биринчи бўлиб Политехника музейи очилди. 10 сентябрда Тошкентда ўзбек раққосаси Мукаррама Турғунбоева музейи, 21 сентябрда эса Навоий вилоятининг Томди туманида машҳур чўпон, икки марта Меҳнат Қаҳрамони, Ўзбекистон Фанлар Академиясининг фахрий академиги Жабой Балимановнинг ҳаёти ва меҳнат фаолияти ҳақида маълумот берувчи музей фаолият бошлади. Шу йил ноябрь ойида Тошкентда очилган Ўзбекистон Халқ таълими тарихи музейи ўз мухлисларини кутиб олди.

1994 йил май ойида Тошкент шаҳрида Тошкент тўқимачилик ва енгил саноати институти музейи, октябрда Ўзбекистон халқ рассоми Уста Муҳиддин Раҳимов ва унинг ўғли Акбар Раҳимовларнинг кўрғазмали музейи очилди. Тошкентда 1996 йил майида Ўзбекистон гидрометеорология хизмати музейи ишга тушди. Шу йилнинг 30 ноябрида Тошкентда очилган Қимматбаҳо қоғозлар бозори тарихи музейига ташриф буюрган томошабинлар биринчи марта турли даврларга саёҳат қилиш шарафига муяссар бўлдилар.

1997 йил октябрь ойида Бухорода машҳур бухоролик зарб қилувчи уста Салим Ҳамидов музейи очилди.

Бугунги кунда республиканинг катта ва кичик шаҳарларида, туманларида халқнинг бой тарихий-маданий хазиналарини намойиш қилувчи 510 дан ортиқ музей ишлаб турибди. Жамиятни маънавий-

ахлоқий камолга етказишда, кенг аҳоли оммасини айниқса ёш авлодни маърифатли қилишда музейларнинг роли катта аҳамият касб этмоқда.

Қарийб 14 йил муқаддам мустақилликни қўлга киритган халқимиз ўзанини топган дарё мисоли руҳан тўлқинланиб, истиқлол йўлидан олға интилмоқда. Ўз давлатига, тақдирига, тарихига эга бўлган юрт қисқа вақт ичида асрларга татигулик тараққиёт йўлини босиб ўтганлигини жаҳон ҳамжамияти эътироф этмоқда, мамлакатимиз фуқоролари ҳар кунлик ҳаётида ўз кўзлари билан кўриб ғурур тўла қалблари ила сезиб туришибди.

Дарҳақиқат, бой табиий-иқтисодий, тарихий-маънавий, ақл-заковат салоҳияти, энг муҳими-сабр-бардошли, диёнатли, ватанпарвар ва миллатпарвар, меҳнаткаш ва бағри кенг, диёнатли халқи бўлган мустақил Ўзбекистон бугун ривожланган давлатлар орасида муносиб ўрин эгалламоқда. Бу ҳайратомуз ютуқларга энг аввало халқнинг азалий орзу-умидлари, мақсад-интилишларини том маънода ифодаловчи ва ҳар томонлама ҳимоя қилувчи, аجدодларимиз қолдирган бой тарихий тажриба ва маънавий меросга таянган мамлакатимизнинг иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш тамойиллари мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов таъкидлаганидек, «тарих хотираси, халқнинг, жонажон ўлканинг, давлатимиз ҳудудининг холис ва ҳаққоний тарихини тиклаш миллий ўзликни англашни, таъбир жоиз бўлса, миллий ифтихорни тиклаш ва ўстириш жараёнида ғоят муҳим ўрин тутди».

Шундан келиб чиқиб, мустақиллигимизнинг дастлабки кунлариданоқ Ўзбекистоннинг янги тарихини яратиш, халқимизнинг бой меросини ўрганиш, буюк аجدодларимизнинг табаррук номлари ва обрў-эътиборини қайта тиклаш ва шу негизда миллий истиқлол

мафкурасини шакллантириш масаласи давлат сиёсатининг устивор йўналиши ва вазифаси даражасига кўтарилди.

Маълумки, диёримиз жаҳон тарихи ва цивилизациясининг энг қадимий масканлари ва марказларидан биридир. Республика худудида сақланиб қолган юзлаб бебаҳо археологик меъморий ва ёзма ёдгорлик, амалий санъат ва халқ ижодиёти намуналари, - буларнинг барчаси халқимизнинг бой ва бетакрор тарихий маънавий меросидир. Ана шу меросни ўрганиш, уни авайлаб асраш ва келажак авлодларга бенуқсон етказиш биз, замондошларнинг шарафли ва маъсулиятли бурчимиз ва вазифамиздир.

«Ўзбек халқи яратган ва миллий бисотимиз бўлиб қолган ноёб тарихий ёдгорликларни сақлаб қолиш ва таъмирлаш- маънавий дастуримизнинг жуда муҳим қисмидир. Ушбу миллий бойлик бизга аجدодларимиздан мерос бўлиб қолган, бинобарин, биз уни кўз қорачиғидек авайлаб асрашимиз ва келажак авлодларга топширишимиз лозим», - деди Президент И.Каримов Олий Мажлиснинг биринчи сессиясида сўзлаган нутқида.

Дарҳақиқат, республикамызда 7 мингдан кўпроқ ёдгорлик, шу жумладан, 2500 меъморий обида, 2700 дан зиёд археология ёдгорлиги, 1800 дан кўпроқ монументал санъат асари давлат муҳофазасига олинган. Ҳозирги вақтда Ўзбекистоннинг барча минтақаларида, ҳатто олис туманларида айрим ёдгорликларни нурашдан сақлаш ва таъмирлашдан илмий тадқиқот ишлари асосида бутун-бутун меъморий мажмуаларни ва кўхна шаҳарларнинг тарихий марказларини қайта тиклашга ўтилди.

Мамалакатимиз маданият ёдгорликларини муҳофаза қилиш соҳасининг ҳуқуқий асослари яратилган – «Тарих ва маданият ёдгорликларини муҳофаза қилиш ҳамда улардан фойдаланиш тўғрисида», «Меъморчилик ва шаҳарсозлик тўғрисида» ги қонунлар амал қилмоқда. Бу ёдгорликларнинг тақдири билан боғлиқ барча

масалалар мазкур қонунларга асосан тартибга солиб турилади. Ноёб меъморчилик – шаҳарсозлик меросини сақлаб қолиш ва авайлаб асраш мақсадида 2000 йил 26 апрелда «Ўзбекистон Республикасида меъморчилик ва шаҳарсозликни янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида» Президент Фармони қабул қилинди.

Ўтган йиллар давомида олиб борилган меъморий-тиклаш ишлари натижасида Самарқанднинг Регистон майдонидаги мажмуа ёдгорликлари, Шоҳизинда, Бибихоним меъморий мажмуалари, Амир Темури мақбараси, Руҳобод мажмуаси, Имом Ал Бухорий ёдгорлиги, Бухородаги Калон минораси ва масжиди, Мирараб мадрасаси, Лабиховуз мажмуаси, Улуғбек ва Абдулазизхон мадрасалари, Савдо гумбазлари, шаҳар ташқарисидаги Ситораи Моҳихоса ансамбли ва Баҳоуддин Нақшбанд мажмуаси, Хиванинг Ичон қалъасидаги барча меъморий ёдгорликлар, шу жумладан Кўхна арк, Муҳаммад Аминхон мадрасаси ва масжиди, Ислохўжа минораси, Дор-ус-тиловат ансамбллари ва Темурнинг машҳур Оқ саройи, Термиздаги Ҳаким ат-Термизий меъморий ёдгорлиги ва бошқа обидалар сақлаб қолинди.

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг Хива ички шаҳри «Ичон қалъа» ни Давлат меъморий кўриқхонаси деб эълон қилиш ҳақидаги қарори ёдгорликларни муҳофаза қилиш ва улар атрофидаги муҳитни сақлаш иши муҳим воқеадир. Кўриқхона ҳудуди ҳозирги мавжуд қалъа деворлари доирасида белгиланиб, тарихий, бадиий ва меъморий қимматга эга бўлган барча мажмуаларни ўз ичига олади. Хивадаги ижобий тажрибадан фойдаланиб, Бухоро ва Самарқанд шаҳарларининг тарихан таркиб топган марказлари ҳам тарихий-меъморий кўриқхоналар деб эълон қилинди. Замонавий янги шаҳарлар гуркираб ўсиб бораётганлиги муносабати билан Ўзбекистоннинг энг қадимий шаҳарларини батафсил режалаштириш лойиҳаларини ишлаб чиқиш зарурати туғилди. Бухоро, Самарқанд, Хива, Шаҳрисабз, Тошкент

шаҳарлари учун шундай лойиҳалар ишлаб чиқилиб, муҳофаза қилинадиган, тартибга солинадиган ҳудудларнинг чегаралари аниқ белгилаб қўйилди. Республикадаги мутахассис олимлар ва халқ усталарининг юксак ақлий салоҳияти ва моҳирона меҳнати туфайли шундай ишларни амалга ошириш имконияти туғилди.

Ўзбекистоннинг меъморий ёдгорликларга бой ўнта шаҳри тарихий шаҳарлар рўйхатига киритилган. «Ичон қалъа» кўриқхонасидаги ёдгорликлар 1991 йилдан, Бухоро марказидаги ёдгорликлар эса 1993 йилдан Жаҳон Халқаро Маданий Мероси Рўйхатида туради. Ҳозирги вақтда Жаҳон Мероси Қўмитасига Шаҳрисабздаги Темурийлар даври меъморчилик ёдгорликларига оид ҳужжатлар топширилди. Самарқанд шаҳри ёдгорликларига доир ҳужжатлар эса тайёрланмоқда. Бундан ташқари 26 та нодир обида: Оқ Остона Бобо, Араб ота, Ишратхона, Мир Саид Баҳром мақбаралари, Баҳоуддин Нақшбандий, Чор Бакр, Шайх Мухтор Вали, Ҳаким ат-Термизий ва бошқа ёдгорликларга доир дастлабки талабномалар ҳам тақдим этилган. Кейинги бир қанча йил мобайнида таъмирлаш ишларига давлат аввалги ўн йилликлардан қилинган ҳаражатлардан бир неча баравар кўп маблағ ажратди.

Республикаимиз Президенти Ислон Каримовнинг буюк бобокалонларимиз ал-Фарғоний, Имом ал-Бухорий, Амир Темури, Мирзо Улуғбек, Жалолоддин Мангуберди таваллуд саналарини, Бухоро ва Хива шаҳарларининг 2500 йиллиги ва «Алпомиш» эпоси яратилганлигининг 1000 йиллигини нишонлашга оид таклифлари ЮНЕСКО томонидан маъқулланиб, мазкур қутлуғ саналар жаҳон миқёсида нишонланди. Бу эса халқимизнинг ижод, тарихий ривожланиш жараёнида дунё тарихига ва умуминсоний цивилизацияга қўшган улкан ҳиссаси халқаро ҳамжамият томонидан зўр эҳтиром билан эътироф этилаётганлигидан ёрқин далолатдир. Шунинг ҳам алоҳида таъкидлаш лозимки, ушбу

тадбирларга тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказиш давомида ўша даврларга тааллуқли тарихий ёдгорликлар ва меъморий обидалар қайта таъмирланибгина қолмасдан, миллий анъаналар билан суғорилган кўплаб ажойиб замонавий меъморий мажмуалар ва монументал асарлар бунёд этилди. Шунингдек кейинги йилларда Ўзбекистон Президенти И. Каримовнинг ташаббуси ва бевосита иштироки билан бир қатор меъморий хотира мажмуалари барпо этилди, улар шаҳарларимиз чиройини таниб бўлмас даражада очиб юборди, маданий меросимизни бойитди ва ўзининг буюк келажagini яратаётган мустақил давлатимиз, жамиятимиз маънавий камолоти йўлидаги янги босқичнинг равшан гувоҳи бўлиб хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон Халқ рассоми Ўрол Тансиқбоев уй-музеи 1981 йилда очилган. Ў. Тансиқбоев ижоди 1920-1970 йилларни ўз ичига қамраб олади. Ундан жуда катта мерос қолган. Рассомнинг асосий асарлари музейнинг ёдгорлик қисмида, махсус қурилган галереяда намоишга қўйилган. Унинг асарлари жуда кўп музейлар хазиналарида ҳам мавжуд. Улар Бельгия, Франция, АҚШ, Сурия, Финляндия, Ҳиндистон, Мексика, Италия, Чехословакия ва бошқа мамлакатларда ҳам эътироф этилган.

Ўрол Тансиқбоев узоқ йиллар давомида жуда кўп жанрларда ижод қилган. У ёдгорлик ва театр-декарация ҳамда портрет жанрларида баракали ижод қилган, натюрмортлари билан ҳам эътибор қозонган. У умрининг жуда кўп қисмини табиат манзараларини акс эттиришга бағишлади, шунинг билан Ўзбекистоннинг тасвирий санъати тарихида алоҳида ўрин эгаллади. Унинг тасвирлаган манзараларини юзлаб бошқа расмлар орасидан бемалол таниб олиш мумкин, ундаги ўзига хос тоғ ҳавоси, она заминнинг бепоён далалари уфури, кенгликлар тасвири кишини беихтиёр ўзига ром этади.

Тошкент шаҳрида булардан ташқари Тамара-хоним, Мукаррама Турғунбоева, Сергей Есенин, Сергей Бородин уй-музейлари ҳам фаолият юргизиб келмоқда.

Ўзбекистон вилоятларида эса машҳур давлат арбоблари, адиблар, санъаткорлар уй-музейлари мавжуд бўлиб, улар Усмон Юсупов, Виктор Уфимцев, Файзулла Хўжаев, Садриддин Айний, Амет ва Айимхон Шомуродовлар ва бошқа шоир ва ижодкорлар фаолиятини ёритади, уларнинг умр йўллари, кўрсатган хизматлари ҳақида ҳикоя қилади. Улар халқимизга хизмат қилиш билан биргаликда ёшларда шу аждодларига муносиб ворислар бўлиб етишиш орзусини ҳам уйғотмоқда.

1.2. Ўзбекистон ва Жаҳоннинг энг йирик тасвирий санъат музейлари

1918 йилда Тошкентда ташкил топган. У асосан князь Н.Романов саройидаги 100 га яқин коллекция асосида вужудга келган. Шунингдек экспонатлар Туркистон ўлкашунослик музейининг бадий бўлимидан ҳам олинган. Кейинчалик экспонатлар Москва ва бошқа шаҳарларнинг музейларининг фондидан келтирилган ишлар ҳисобига бойиган. Булар орасида К.Брюлов, В.Тропинин, И.Репин, В.Серов, И.Левитан асарлари ҳам бор эди. Бу асарлар орасида Третьяков галереясида, Рус музейидан ва шахсий коллекциялардан олиб келинган ишлар ҳам мавжуд. Музей фондининг катта қисми Ўзбекистонда яшаб ижод этган рассомларнинг асарларидан ташкил топган. Хусусан, П.Беньков, О.Татевосян, В.Уфимцев, Н.Кашина, З.Ковалевская, Ў.Тансиқбоев, А.Абдуллаев, Ч.Ахмаров каби бир қатор рассомларнинг ишлари шулар жумласидандир. Музейда Италия, Испания, Германия, Нидерландия, Финландия, Голландия, Франция, Англия, шунингдек, Шарқ санъатига оид асарлар ҳам кўп.

Музей ўзбек амалий санъатнинг барча турларига оид бой коллекцияларга ҳам эга.

Музейда ҳозир 40 мингдан ортиқ асарлар бор. Унда таъмирлаш устахонаси, фото лабаратория, кўрғазма ташкил этиш бўлимлари ишлаб турибди.

Третьяков галереяси. Третьяков галереясига Москвалик рус савдогари П.Третьяков асос солган. У ўзи ва укаси С.М.Третьяков томонидан тўпланган санъат асарлари ҳисобига 1893 йилда яратилган. П.Третьяковни тасвирий санъатга нисбатан ихлоси кучли бўлиб, ўзи яшаётган уйи ёнига музей учун махсус бино қурдирган. Музейни очилиши арафасида Третьяков томонидан йиғилган санъат асарлари икки мингга яқин эди.

Музейда қадимги рус рангтасвирига алоҳида ўрин ажратилган эди. Унда Андрей Рублев, И.Никитин, Ф.Рокотов, Д.Левицкий, О.Кипренский, В.Тропинин асарлари ҳам ўрин олган эди. Музейнинг алоҳидазали машҳур рус рассоми А.Ивановнинг “Христнинг халқга кўриниши” ва К.Брюлов томонидан яратилган портретлар учун ажратилган.

Галереяда XIX аср рус рангтасвирида ўчмас из қолдирган А.Венецианов, И.Крамской, В.Васнецов, В.Верещагин, В.Суриков, И.Репин, И.Шишкин, И.Левитан асарлари учун катта ўрин берилган. Бу рассомлар асарлари орасида А.Саврасовнинг “қора қарғалар учиб келишди”, В.Суриковнинг “Морозова бойвучча ойим”, И.Репиннинг “Курс губерниясидаги хаж юриш”, И.Левитаннинг “Март”, В.Серовнинг “Шафтоли ушлаган қиз” номли сувратлари галереянинг энг қадрли ишларидан ҳисобланади.

Третьяков галереясида 1932 йилдан бошлаб яқин хорижий мамлакатлар санъати намойиш этила бошлаган. Унда Болтиқ бўйи, Кавказ, Ўрта Осиё республикалари, шунингдек, Украина, Белоресия, Молдавия рассомларининг ижоди доимий ўрин олди. Айниқса, Т.Салахов (Озарбайжон), М.Сарян (Арманистон), Т.Яблонская (Украина), Ў.Тансиқбоев (Ўзбекистон) нинг асарлари алоҳида ўринни эгаллади.

Галерея Россиянинг энг йирик музейларидан бирига айланган бўлиб, унда халқни эстетик руҳда тарбиялаш бўйича маърузалар ўтказилади, рассомлар билан учрашувлар ўтказиб турилади.

Жаҳоннинг машҳур бадиий музейлари қаторига Париждаги ҳозирги замон санъати Миллий музейи (1937), Импрессионистлар музейи (1947), Рим музейини ҳам киритиш мумкин. Рим музейида Хиндистон ва Шарқий Осиё санъатига оид асарлар сақланади ва намойиш этилади.

Давлат тасвирий санъат музейлари ва галереялари Испаниянинг Мадрид, Англиянинг Лондон, Чехиянинг Прага, Венгриянинг Будапешт,

Швециянинг Стокгоьм, Германиянинг Мюнхен, Украинанинг Киев шаҳарларида ҳам мавжуд.

Россияда эрмитаж ва Третьяков галереяларидан ташқари Санкт-Петербургда Рус музейи, Москвада Пушкин номидаги тасвирий санъат музейи ҳам бор.

XIX-XX асрларда Шарқ мамлакатларида ҳам йирик музейлар очилган. Хусусан, Деҳлида Хиндистон миллий музейи (1948), Хитойда Пекин Гугун музейи (1914), Японияда Токио миллий музейи (1871) шулар жумласидандир.

Тасвирий санъат музейлари жаҳоннинг деярли барча мамлакатларида бор.

Бадий музейлар. “Музей” юнонча “музейон” сўзидан келиб чиққан бўлиб қадимги Юнон афсоналарига кўра санъат ва фан маъбудалари ҳисобланган музалар учун мўлжалланган муқаддас жой маъносини англатади.

“Музей” сўзи Уйғониш даврида расмий тус олди. Бадий музейларда асосан тасвирий ва декоратив амалий санъат асарлари тўпланди, сақланди, намоёниш этилди ва таъмирланди.

Дунёда биринчи бўлиб давлат музейи ҳуқуқини Лондондаги Британия музейи олган эди. Дастлабки музейлар Европада ташкил этилган бўлса, Шарқда эса XIX-XX асрларда пайдо бўлди. Хусусан, Деҳлида Хиндистоннинг миллий музейи (1948), Пекиндаги Гугун музейи (1914), Японияда Токио миллий музейи (1871) в.б. Бадий музейлар орасида тасвирий санъат музейлари билан бир қаторда махсус амалий санъат музейлари ҳам бор. Шунингдек, тасвирий санъатнинг у ёки бу тури ёки оқимга бағишланган музейлар ҳам мавжуд. Хусусан, Парижга бир музей импрессионист рассомлар ижодига бағишланган.

Британия музейи. Дунёнинг энг йирик музейларидан бири бўлиб, у Лондон шаҳрида жойлашган. 1823-1847 йилларда меъмор Р.Смерк

томонидан махсус қурилган. Бино классицизм стилида яратилган бўлиб, унда ибтидоий жамоа ёдгорликларидан тортиб ҳозирги замон рассомларининг асарларигача ўрин олган. Музейда қадимги Шарқ, Европалик санъаткорларнинг асарлари сақланади. қадимги юнонистонлик Фидий ва унинг шогирдлари яратган асарлар, қадимги Мисрда яратилган ишлар ҳам бор. Музей хоналарида Англия саёхатчиларининг Африка, Осиё, Америка, Океаниядан олиб келган этнографик буюмлари ҳам намойиш этилади. Шунингдек, бу музей ажойиб расм ва миниатюралар билан безатилган, камёб қўлёзма китоблар ҳам сақланади.

Дрезден галеререяси. Германиянинг Дрезден шаҳарида жойлашган. Бу музей биноси 1847-1854 йилларда меъмор К.Хенел томонидан махсус қурилган. Лекин галерея 1860 йилда очилган. Унинг дастлабки экспонатлари Рафаэлнинг “Сикстин Мадоннаси”, Жаржоненинг “Уйқудаги Венера” асарлари эди. Шунингдек, музейда Рембрандт, А.Дюрер, Тициан асарлари ҳам бор. Кейинчалик музей Европа рассомлари ва ҳайкалтарошларининг асарлари билан бойиб борди.

Лувр музейи. Франциянинг Париж шаҳрида жойлашган. Бу бино ўрта асарларда қўрғон кейинчалик қироллар саройи бўлган. Музей дунёнинг энг йирик музейларидан бири ҳисобланади. Музейдаги ишларнинг асосини Англия қироллигида тўпланган асарлар ташкил этган. Улар рангтасвир, ҳайкалтарошлик, декоратив-амалий санъат асарларидир. Музей 1791 йилда миллий музей тусини олиб, 1793 йилда биринчи бор омма учун ўз эшикларини очган. Музейдан қадимги Шарқ, Юнонистон, Рим, Мисрда яратилган ишлар ҳам ўрин олган. Француз халқи бу музейда Леонардо Да Винчи, Микеленжелло, Рафаэль, Тициан, Рембрандт, Н.Пуссен, Э.Делакруа ва бошқа бир қатор дунёга машҳур санъаткорларнинг асарлари борлигидан фахрланади.

Метрополитен-музей. АҚШнинг Нью-Йорк шаҳридаги дунёнинг энг йирик музейи. У 1970 йилда ташкил топган. Музейдаги экспозицияларнинг

асосини турли даврларда хусусий шахслар томонидан тортиқ қилинган асарлар ташкил этади. Музейда 3 млн.га яқин жахон санъатига оид асарлар сақланади. Унинг асосий биносидан ташқари кўплаб филиаллари ҳам бор, хусусан, унинг рангтасвир ва ҳайкалтарошлиқдан ташқари амалий санъат, бадий фотога оид алоҳида бўлимлари ҳам мавжуд. Унда декоратив амалий санъат, муסיқа асбоблари, китоблар, либослар, болалар расмлари бўйича алоҳида музей бўлимлари ҳам бор.

Музейдан Америка, Африка, Тинч океан ороллари халқлари санъати, қадимги Миср, Юнонистон, Рим, Яқин ва Узоқ Шарқ мамлакатлари халқларининг санъат асарлари ўрин олган.

Музейда дунёга машхур рассомлардан Рафаэл, Тициан, Эл Греко, Веласкес, Ф.Гойя, Ф.Халс, Рембрант, К.Моне, О.Рануар, П.Сезанн, П.Гоген, П.Пикассо каби кўплаб санаткорларнинг асарлари сақланади.

Эрмитаж. Россиянинг Санкт-Петербург шаҳридаги дунёнинг энг йирик маданият музейларидан бири. Музей 1764 йилда ташкил топган деб ҳисобланади. Лекин музей тарзида 1852 йилда очилган. Эрмитаж “Бирлашган жой” маъносини билдиради. Музейда 2 млн. 700 мингдан ортиқ коллекция бор. У олти бўлимдан ташкил топган:

1. Ибтидоий маданият тарихи. 2. қадимги дунё. 3.Шарқ маданияти ва санъати тарихи. 4. Рус маданияти тарихи. 5. ғарбий Европа санъати тарихи. 6.Нумезматика (чақа-танга, медаллар) тарихи.

Музейда рангтасвир, ҳайкалтарош, графика, декоратив-амалий санатга оид экспонатлар бор. Унда Леонардо да Винчи, Рафаэл, Тициан, Веласкес, Гойя, Рубенс, Рембрандт, Н.Пуссен, О.Ренуар, А.Матисс, П.Пикассо, Микеланжело, О.Роден каби дунёга машхур рассом ва ҳайкалтарошларнинг асарлари сақланади.

қорақалпоғистон давлат санъат музейи Машхур музей қорақалпоғистонда ягона бўлиб, Ўзбекистоннинг йирик тасвирий санъат музейларидан бири ҳисобланади. У 1966 йилда Нукус шаҳрида ташкил

топган бўлиб, у қорақалпоғистон тасвирий санъатини ривожлантиришга катта хисса қўшган rassom И.Савицкий номи билан аталади.

Музейда ҳалғ амалий санъати, Хоразм санъати, XX аср ўзбек, рус, қорақалпоқ рангтасвири ва хайкалтарошлиғи, илмий-маърифий бўлимлари бор. Шунингдек, унда кутубхона ва таъмирлаш устахонаси ҳам иш олиб боради. Унинг умумий фонди 85,000 нусхадан ошади.

Мазкур бадиий маданият маскани қадимги ва ҳозирги замон rassom, хайкалтарош, амалий санъат усталарини асарларини йиғиш, улар билан ҳалқни таништириш, доимий ва даврий кўргазмалар ташкил этиш ишларини амалга оширади.

Музейда “Нукус музейининг дўстлари” номли клуб ҳам мавжуд бўлиб, унинг аъзолари ҳалқ орасида кўчма ва даврий кўргазмалар ташкил этиш билан шуғулланадилар.

Мазкур маскан Ўзбекистоннинг тасвирий санъат ҳамда ҳалқ амалий санъати музейлари билан яқин алоқада иш олиб боради. Шунингдек уни Россия, Германия, Франция, Италия, Япония, АҚШ тасвирий санъат музейлари билан ҳам алоқалари бор.

Ҳозирда музейда XX аср бошларида Ўзбекистонлик ўзбек ва рус rassomлари ижоди, қадимги Хоразм санъати намуналари шунингдек Россиянинг XX асрда яшаб ўтган айрим rassomларини асарлари намойиш этиб келинмоқда.

Улар орасида Ўрта Осиё rassomларидан А.Волков, Усто Мўмин (А.Николаев), М.Курзин, Н.Карахан, Ў.Тансиқбоевларнинг юқорибадиий савияда яратилган асарлари бор. Шунингдек, Россиялик машҳур хайкалтарош ва rassomларидан И.Грабар, В.Мухина, А.Шевченколارнинг ижод намуналари ҳам музей экспонатлари қаторидан ўрин олган.

қорақалпоғистон тасвирий санъатини ривожлантиришда ўзларининг беқиёс катта хиссаларини қўшган ва қўшаётган ижодкорлардан

И.Савицкий, Қ.Соипов, Д.Туранниёзов, Ж. қуттимурадов, Ж.Изентаев кабиларнинг асарлари музейнинг юқори пештахталаридан ўрин олган.

Мазкур даргоҳ Ўзбекистонда шунингдек жаҳоннинг машҳур музейларида ўтказилаётган кўргазмаларда доимий равишда қатнашиб келмоқда.

II – Боб. Тасвирий санъат дарсларида ўқувчиларни жаҳон тасвирий санъат музейлари билан таништиришнинг шарт-шароитлари.

2.1. Ўқувчиларни жаҳон тасвирий санъат музейлари билан таништиришнинг самарали йўллари

Тасвирий санъатдан синфдан ташқари ишлар умуман ўрта таълим тизимида катта ва муҳим ўринни эгаллайди. Улар тасвирий ва амалий санъат, меъморчилик каби санъат турлари бўйича амалга оширилади. Бу синфдан ташқари ишлар тўғарак учрашув, кўргазма, танлов, кечалар каби қатор йўналишларда ўрқазилади ва улар ўқувчиларни бадий-ижодий эҳтиёжларини қондириш ва иждодий қобилиятларини ривожлантириш, улардаги индивидуаллик ва интеъдодни рўёбга чиқаришга хизмат қилади. шу билан бирга у ёшларнинг бадий эстетик фикр доираларини кенгайтиради ҳамда дидини ривожлантиради.

Тасвирий санъатдан саёхатлар музейларга, рассомларнинг устахоналарига, ҳайкалтарошликдан ёдгорликларга, кўргазмаларга ташкил этилади. Уларнинг асл нусхалари билан танишадилар, санъат асарларининг яратилиш жараёнининг шохиди бўладилар. Одатда бундай саёхатлар ўқитувчи ҳам, ўқувчилар ҳам катта тайёргарлик кўрадилар, бу тадбирнинг режасини тузиб оладилар. Рассом устахонасига саёхатлар уюштирилганда рассомлар ўзларининг ҳаётлари ва иждодлари, келажак режалари хақида гапириб берадидар, ўз асарлари билан таништирадилар ва уларнинг яратишлиши сабаблари тарихи хақида хикоя қилиб берадилар. Рассомнинг жонли образи ва унинг хикояси болаларни хаяжонлантиради ва уларнинг хотирасида ўчмас из қолдиради.

Режада қаерга ва қачон борилиши, ким билан учрашилиши, у ерда нималарни кўрилиши, ким билан нималар хақида суҳбат бўлиши баён этилади. Агарда музей, биронта ёдгорлик ёки рассом устахонасига

бориладиган бўлса улар ҳақида қисқача маълумот берилади ва у билан саёҳатдан олдин болаларни таништирилади. Саёҳат вақтида болалар ўзларини қизиқтирган саволлар билан рассом, музей ходимига мурожат этадилар. Саёҳатдан сўнг ўқитувчи болалар билан саёҳатдан олган тасуротлари билан фикр олмашадилар.

Болаларнинг ижодий ишлар кўргазмаси йиллик, ярим йиллик ва чорак натижалари бўйича тўпланган энг яхши ишлари асосида ўтказилади. Бундай ижодий ишлар кўргазмаси энг яхши ишланган расмлар танловида ғолиб чиққан ишлардан, кўшни мактаб, қўшимча таълим марказларида бажарилган ишлардан, туман мактабларидан йиғилган энг яхши расмлардан ташкил топиши мумкин. Улар мактаб, туман, шаҳар, вилоят, Республика даражасида ўтказилади.

Рассомлар асарларининг репродукцияларидан ташкил этиладиган кўргазмалар ҳам нихоятда турли-тумандир. Хусусан, тасвирий санъатнинг у ёки бу тури, у ёки бу жанри биронта рассомнинг ҳаёти ва ижоди, биронта мамлакат ёки давр рассомлари ижоди намуналари, расмлар галереяси ёки музейнинг биронта бўлими коллекциялари асосида ташкил этилиши мумкин.

Шунингдек, репродукциялар асосида ўтказиладиган кўргазмаларни мамлакатимиз ҳаёти, унинг тарихи, келажаги, меҳнат, спорт, соғлиқни сақлаш, экология, илм-фан, хотин-қизлар, мавзуларида ўтказса ҳам бўлади. Бундай кўргазмалар нафосат билан тайёрланган отендлар ёрдамида мактаб фоеси, йўлаги ёки бошқа болалар гавжум бўладиган жойларда ташкил этилади. Кўргазмани тасвирий санъат хонасига яқин жойда ташкил этилиши мақсадга мувофиқдир. Ҳар бир ишнинг тагига унинг муаллифи, синфи, ёши, номи, яратилган йили ёзиб қўйилади.

Рассомлар амалий санъат усталарининг асарлари репродукциялари, болалар ижоди асосида ўтказиладиган кўргазмалар учун ишлар танлашни бевосита болалар иштирокида амалга оширилиши уларнинг бадиий

дидини ўстиради. Бадиий билим доирасини кенгайтиради, фаолигини оширади. Болалар ижоди йирик кўргазмаларига навбатчи қўйилиши мақсадга мувофиқдир. Улар томошабинларнинг кўргазма юзасидан саволларига жавоб қайтарадилар уларнинг фикрларини кўргазма дафтариغا қайд қилиб қўяди.

Кўргазмаларни узоғи билан уч-тўрт ойдан оширмасдан янгилаб турилиши болаларнинг янги ишлар, янги билимлар билан бойитади.

Катта хажмдаги кўргазмалар ташкил этилганда уларнинг натижаларини муҳокама этиш ва яхши кўрсаткичларга эса бўлган болаларни мактаб маъмурияти томонидан маънавий ва моддий жихатдан рағбатлантирилади. Рассомлар ва амалий санъат усталари асарларининг асл нусхаларидан кўргазмалар ташкил этиш жиддий тайёргарлик асосида амалга оширилади. Кўргазмага қўйилган асарларни юксак бадиий қийматга эга эканлиги, унда мактабнинг барча ўқувчилари ва жамоаси иштирок этиши буни талаб этади. Бундай кўргазма учун кенг ва ёруғ жой (мактаб фаяси ёки зали) танланади. Уни ташкил этишда мактаб жамғармасидан ташқари ота-оналар, маҳалла, туман халқ таълими бошқармаси, хайрия ташкилот вакиллари иштирок этади.

Кўргазмаларни тантанали равишда рассом ва халқ таълими бошқармалари вакиллари томонидан барча мактаб жамоаси иштирокида очилиши мақсадга мувофиқдир. Кўргазмага албатта фаол ўқувчилардан навбатчилар қўйилади.

Кўргазмаларнинг қизиқарли шаклларида бири мактаб тасвирий ва амалий санъат музейи хисобланади. Бундай музейлар рассом, уста ва ўқувчилар томонидан ишланган ишларнинг асл нусхалари асосида ташкил этилади. Музейнинг турлари қуйидагича бўлиши мумкин:

1. тасвирий санъат ва амалий санъат музейи; тасвирий санъат музейи; амалий санъат музейи; биронта рассом ёки уста ижоди музейи; болалар

тасвирий ижоди музейи. Бундай музей алохида кенг ва ёруғ ханада ташкил этилади.

Музейларни ташкил этишда унинг ташкилотчилари томонидан катта маъсулият талаб этилади. Уни фақат мактаб маъмурияти, ҳайрия ташкилотлар, рассом ва усталар ёрдамидагина амалга ошириш мумкин. Уни ташкил этишди мактаб тасвирий ва амалий санъат тўғараги аъзолари фаол иштирок этишлари лозим.

Музейни фақат асарлар намоиш этадиган жой деб қарамаслик лозим. Уни мактабда санъатга оид маърузалар, учрашувлар, суҳбатлар, мунозаралар, викторина танловлар, кўргазмалар ўтказиб туриладиган кинофильмлар намоиши этиладиган жойга айлантириш айти муддодир.

Музей ишларини бундай тарзда кенг қамровли ташкил этилиши болаларни санъатга бўлган қизиқишлари, мухаббатини оширибгина қолмай, балки уларни бадиий маданиятини кўтаришга хизмат қилади.

Республика, вилоят, шаҳар, туман миқёсидаги рассомлар, амалий безак санъати усталари билан мактабларда учрашувлар ўтказиш ўқувчиларни санъатга бўлган қизиқишини оширишда катта аҳамият касб этади. Бундай учрашувда рассомлар, усталар ўзларининг ижодий йўллари, яратган асарлари, унинг яратиш сирлари, келажак режалари, ҳақида болаларга сўзлаб берадилар. Тасвирий санъат ўқитувчиси эса бу кабинетнинг ниҳоятда фахрли экалиги, рассомчиликни кишилар ҳаётидаги ўрни ҳақида гапириб беради. Учрашувдаги рассом мисолида уни ҳукуматимиз халқимиз томонидан юксак қадрланганлиги (унинг мукофотлари, лавозими, унвонлар в.б.) асарларини қайси жойларда намоиш қилинганлиги, унинг сафарлари ҳақида сўзлаб бериш болаларда катта тасурот қолдиради. Учрашувни тўлақонли бўлишлиги учун рассом ёки устанинг асарлари кўргазмасини ташкил этилиши тадбирнинг янада самарали бўлишлигини тامينлайди. Рассомлар ва усталар билан бундай алоқаларнинг кенгайтилиши мактабда санъат музейини ташкил этишга ҳам

таъсир кўрсатиши мумкин. Чунки учрашувлардан сўнг рассолаар ёки усталар ўз асарининг ижодий ишларидан мактабларга эсталик учун қолдирадидлар.

Бундай тадбирлар орқали ўқувчилар ўзларини қизиқтирадиган кўпгина маълумотларни оладидлар, айримлари ана шу рассом ёки устага ўхшашни орзу қилади, бу чохага қизиқанлар эса ўз харакатларини яна фаоллаштирадидлар.

2.2. Музейлар – тарихий хотирани жонлантириш омили сифатида

Мустақил Ўзбекистон жаҳондаги энг илғор мамлакатлар сафидан ўрин топиб, барқарор ривожланиши учун мустақиллик дунёқарашига эга бўлган, миллий ифтихор туйғуси билан йўғрилган, ҳур ва эркин фикрловчи, айна вақтда фуқаролик масъулиятини чуқур ҳис этадиган, миллий ва умуминсоний қадриятларни ўз касб-кори, ижтимоий муҳити талаб қиладиган даражада ўзлаштирган шахсни тарбиялаб вояга етказишни ўз олдига вазифа қилиб қўяди.

Миллий ғурур инсонни ўзи туғилиб ўсган, киндик қони томган кишлоқ ёки шаҳар, ота-боболари, авлод ва аجدодларининг масканини улуғлашда, ота-онаси, ака-укалари, хешу ақраболарини эъзозлашда, юртининг ўтмиши, бугуни, келажаги билан фахрланишда ўз аксини топади. Шунинг учун ҳам, Янги жамият қурилаётган бугунги шароитда, Президентимиз айтганидек: “Ватан туйғуси, ватан тушунчаси биз учун саждагоҳдай муқаддас, саждагоҳдай пок ва улуғ бўлмоғи керак...”

Миллий ғурур – бу Ватанни севиш ҳақидаги баландпарвоз гаплар, чақириқлар, шиорлар эмас, балки эл-юртнинг порлоқ келажаги учун, халқ учун, миллат фаровонлиги йўлида чинакамига ҳалол меҳнат қилишдир. Она заминни чин қалбдан севмоқ, унинг манфаати йўлида бутун билим, қобилият, куч-қувватни сафарбар қилмоқ – ватанпарварлик белгисидир.

Миллий ғурур туйғуси миллий такаббурлик, миллий манмансираш, миллий кеккайишга тамомила қарама-қаршидир.

Миллий ғурурнинг шаклланишида маданий мерос бениҳоя ката рол ўйнайди. Чунки, маданий мерос ҳар бир миллатнинг кадр-қимматидир. Инсон ақл-заковатининг меваси бўлмиш маданий мерос, халқнинг бир авлоддан иккинчи авлодига ўтиб келаётган моддий ва маънавий қадриятларининг йиғиндисидир. Худи шунинг учун ҳам маданий мероснинг бойиб боришида миллий ва умуминсоний қадриятларнинг ҳар

томонлама ўзлаштирилиши, жаҳон маданияти кўлга киритган ютуқларни чуқур билиш ва унга амал қилиш катта аҳамиятга эгадир. Маданий меросимизни ҳар томонлама ўрганиш жамиятимиз келажаги бўлган йигит ва қизларда миллий ғурурнинг шаклланиш жараёнини тезлаштиради.

Бутун жаҳонни лол қолдириб, минг-минглаб сайёҳларнинг кқзини камаштириб, ҳайратга солаётган обидалар ўз бағрига машҳур олимлар, фозиллар, шоирлар, хаттотлар, рассомларни бирлаштирган, сайиллар, маъракаларда эса фуқаролар кайфиятини кўтарган, маънавий қувват берган, ёшларни эса одобу ахлоққа, ҳалоллигу покликка, ботирликка, мардлик, ватанни ҳимоя қилишга чақирган. Халқимизнинг маданий мероси ҳақида ёшларга бор ҳақиқатни етказиш – уларда миллий ғурурни шакллантиришга ёрдам беради.

Шу куннинг энг долзарб муаммоларидан бири бўлган ҳар томонлама ривожланган, маънавий етук комил инсон тарбияси ҳамжамиятимизнинг барча жабҳаларида ўзига хос тарзда амалга оширилмоқда.

Бугунги ўз-ўзини англаб, мустақиллигимиз кун сайин мустаҳкамланиб бораётган шароитда она юртнинг ҳар бир фарзанди учун Ватан тарихини севиш, ўрганиш, дилига жо этишдан ҳам муқаддасроқ бурч йўқ.. Шунинг учун ҳам ўтмиш тарихий ва моддий-маданий ёдгорликларини ўрганиш, муҳофаза қилишнинг ролини ошириш муаммоларини ҳал қилишга ката аҳамият берилмоқда.

Мамлакатимиз Президенти И. А. Каримовнинг “Тарихий хотирасиз келажак йўқ” китобчасида чуқур илмий аҳамиятга эга тарихий мавзудаги қатор масалалар қўйилганки, уларни тўғри талқин қилмай ва ҳал қилиниши ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлмай миллатимизнинг, халқимизнинг келажаги ҳақида гапириб бўлмайди.

Мустақилликка эришганимиздан сўнг халқимиз олдида бир неча янги ва муҳим муаммолар пайдо бўлди. Уларнинг моҳияти, мазмуни энг аввало миллатимизни ҳар томонлама ривожланиши ва равнақ топишини

таъминлаш билан боғлиқдир. Президентимиз И. А. Каримов тарих фанининг долзарб муаммолари ҳақидаги мақоласида бу борадаги муҳим йўналишларни кўрсатиб берди: “Маънавиятни тиклаш, туғилиб ўсган юртида ўзини бошқалардан кам сезмай, бошини баланд кўтариб юриши учун инсонга, албатта, тарихий хотира керак”.

Узоқ ўтмиш даврларга бориб тақаладиган тарихга бой, қадим маданиятга эга бўлган халқимиз олдида ўз ўтмишини, келиб чиқиши, ота-боболари, урф-одатлари, маънавий бойликларини, юксак маданияти, санъатини янада чуқурроқ ўрганиш, англаш ва бевосита давом эттиришдек вазифа туради. Президентимиз “...тарих – халқ маънавиятининг асосидир”, деб таъкидлар экан, мустақил ватаннинг ҳар бир фуқароси, айниқса унинг келажagini белгилаб берувчи ёшлар ўз тарихи ва маданиятини яхши билишлари шартдир.

Тарихий хотирани шакллантириш, уни ривожлантириш, шу билан бирга ҳозирги авлод руҳида миллий ғурур туйғуларини пайдо қилиш ишида барча маданий-маърифий муассасалар қаторида музейлар ҳам ўзига яраша ҳиссасини қўшмоқда. Дарслик, қўлланма китоблардан биз назарий билимларни олар эканмиз, шу ҳақдаги Амалий кўргазмалар, ашёвий далиллар намоиш этилган музейлар бевосита ана шу назарий билимларни янада мустаҳкамлашга хизмат қилади. Айни пайтда фалсафий мерос ҳам халқ маънавиятининг ажралмас ва асосий қисми ҳисобланади. Дарҳақиқат, тарих, тарихий хотира ҳам ижтимоий-фалсафий мероснинг шаклланиши ва ривожланишининг энг муҳим манбаларидан биридир. Шу сабабли уларнинг иккови ҳам инсон фаолияти, халқнинг ҳаёт йўлини, тарихий жараённинг умумий моҳиятини тушуниш объектидир. Шу боис юртбошимизнинг “Ўзликни англаш тарихни билишдан бошланади” ва “Ҳаққоний тарихни билмасдан туриб эса, ўзликни англаш мумкин эмас” деган фикрлари жуда қимматлидир. Шунини айтиш керакки, тарихни тушунишда, яқин ўтмишда бўлганидек фақат ишлаб чиқариш омилларига

боғлаб ўрганмасдан, балки уни ҳар томонлама англаб, айниқса, маънавийтимизнинг асосий манбаи ва негизи сифатида ўрганиш зарур.

Тарихий хотира – ҳар бир халқ, миллат ўзининг замон ва макондаги ўрнини, насл-насабини, ўзлигини англаши, ўзининг ҳақиқий тарихини, маънавият ва маданияти жиҳатдан тутган ўрнини, унинг ривожига қўшган ҳиссасини, ўзининг милшлий ифтихорини, ғурурини мустақил ва холисона англаб олишидир.

Албатта, агар халқ ўзининг тарихий хотирасига, тарихий онгига эга бўлса, у муқаррар ўзи кечирган тарихий-ижтимоий жараёнларни чуқурроқ тушунади ва талқин қилади. Бу уринишлар халқнинг вакиллари – олимлари, мутафаккирларининг илмий фаолиятида мужассамланади ва улар томонидан жамиятни, инсон ҳаётини ва маънавиятини илмий-назарий таҳлил этишда, унинг маълум назариясини, тамойилларини яратишда намоён бўлади.

Инсон ва жамият ҳаёти заминида шаклланган ва кейинчалик тарихий хотира асосини ташкил қиладиган маънавий қадриятлар, яъни “йўллар” кейинги авлодлар ички дунёси орқали маънавий мерос сифатида сақланади ва ривожланади. Инсонларни муайян бир гуруҳ, жамоа сифатида маълум маънавий омил бирлаштириб туради.

Маънавият узоқ тарихга асосланган бўлиб, барча ўтган инсонлар, авлодлар руҳини, яъни фикрлари, ғоялари ва эътиқодларини ўзида мужассамлаштиради. Маънавий омил ғоят мураккаб ва кўпқиррали бўлиб, албатта, тарихий хотира, миллий онгни ҳам қамраб олади. Чунки улар бири-бири билан ўзаро боғланган ҳолда ривожланиб боради ва бир-бирининг такомиллашишига олиб келади.

Албатта, ҳар бир халқ, миллатнинг тарихий хотирасини қамраб оладиган тарихи ва миллий онгида маълум динга мансублиги ҳам акс этади.

Президентимиз тарихий хотиранинг яна бир ниҳоятда муҳим вазифасига катта эътибор беради. У ҳам бўлса тарихий хотиранинг миллий ифтихор, миллий ғурурни ривожлантиришдаги ролидир. Маълум халқ, миллатнинг ифтихори масаласига Абу Райҳон Беруний қуйидагича ёндошади: Ҳар бир халқ жаҳон маданиятига ва илмига ўзининг махсус ҳиссасини қўшади, шу билан у бошқа халқлар орасида ўзига яраша жой беради, бу илмий-маданий муваффақиятлари билан эса фахрланса ва мағрурланса арзийди. Берунийнинг яъни таърифи бўйича, ҳар бир халқ қандайдир фан ёки тажрибани ривожлантирганлиги билан фарқланади.

Фаробий, Беруний, Ибн Сино, Амир Темур, Улуғбек, Навоий, Бобур каби буюк аждодларимиз халқимизнинг миллий ифтихоридир. Шу каби буюк зотларнинг асрлар давомида ақлу заковати ила бунёд этган бой маънавияти туфайли халқимиз мағрур яшади, меҳнат қилди, доимо ҳуррият ва эрк сари интилди. Анна шу миллий онг, ана шу миллий ғурур бугунги истиқболимизнинг олтин пойдеворидир. Бу пойдеворга Широқ ва Тўмарис, Беруний ва Фаробий, Абу Али ибн Сино ва Ал-Хоразмий, Амир Темур ва Бобур, Навоий ва Улуғбек каби юзлаб улуғ зотлар асос солганлар. Бобокалонларимиз – Имом ал-Бухорий ва Имом ат-Термизийнинг номларини фахр билан тилга оламиз. Улуғ бобомиз Хожа Аҳмад Яссавий руҳи покларига эҳтиромимиз бениҳоя.

Юқорида таъкидланган улуғ аллома ва мутуфаккирлар ижоди ва фаолиятларини ёритиш, уларни янада таъсирчан, эсда қоларли даражада акс эттириб беришни музейлар ўз олдига вазифа қилиб қўяди. Музейлар фаолиятида анна шу бой маънавий ва моддий бойликлар, маданий ёдгорликлар намойиши ва илмий таҳлили асосий ўринни эгаллайди. Музейда намойиш қилинаётган ҳар бир экспонат, хоҳ у қимматбаҳо металл ёки тошлардан ишланган бўлсин, хоҳ Амалий санъатнинг ёрқин намунаси бўлсин, ёки маънавий мероснинг бетакрор ёрқин қирралари бўлсин, у шу халқнинг ўтмиш ҳаёти, тафаккури, истеъдоди, иқтидоридан дарак беради.

Музейлар тарихий хотирани жонлаштириш омили бўлиб хизмат қилар экан, унда намойиш этилаётган материаллар ашёвий далил сифатида ўз даврига хос хусусиятларни акс эттирганлиги билан, ўша давр маданияти, санъатидан берадиган хабари билан жуда қимматлидир. Улар халқимизнинг юксак ривожланган маданияти, адабиёти, санъати ҳамда маънавий дунёқарашига асосланган хусусиятлари билан томошабин эътиборини қозонади. Унда бевосита шу буюмларда акс этган жозиба, сеҳр, геометрик аниқлик, кимёвий баркамоллик, қурилиш-архитектура иншоотларининг ўта аниқ ва пишиқ лойиҳаларига нисбатан инсон ақлини лол қолдирадиган бир таъсирини уйғотадики, бу унинг беихтиёр фахрланиш, қойил қолиш ва ундан ўртак олиб янги санъат асарларини яратиш сари илҳом уйғотади.

Хулоса ва илмий методик тавсиялар.

Ўлкани ва унда мавжуд бўлган тарих ва маданият ёдгорликларини муҳофаза қилиш, ўрганиш ва улардан фойдаланиш ҳар бир фуқаронинг муқаддас бурчидир. Тарихчиларга бу қонун муқаддас дастуриламал бўлиб хизмат қилади. Биз ёшларни ёдгорликларни авайлаб асрашга, тарихий обидаларга меҳр-муҳаббат билан қарашга ўргатиб, бу ёдгорликлар фақат ўтмишни ўрганиш учунгина эмас, шу билан бирга илм-фанни, халқ маорифи ва маданиятни янада ривожлантириш учун ҳам бебаҳо дурдона эканлигини сингдириш руҳида тарбиялашимиз керак. Бундай ишларни амалга оширишда мактабда ташкил қилинган музейларни ўрни ниҳоятда каттадир.

Мактаб музейи ёшлар олдида қуйидаги вазифаларни: биринчидан, жамият ҳаёти ва халқ турмушидаги энг муҳим тарихий воқеаларни, давлат ва ҳарбий арбобларнинг, халқ қаҳрамонларининг ҳаёти ва фаолияти билан боғлиқ бўлган бинолар, иншоотлар, эсдалик жойларни ўз ўлкасига боғлаб ўрганишни, иккинчидан, археологик ёдгорликларни: кўҳна шаҳарлар, кўрғонлар, қалъалар, қадимий манзилгоҳлар, истехкомлар, корхоналар, каналлар, йўлларнинг қолдиқлари, қадимий дафн жойлар – мазоратларни, тош ҳайкаллар, қоялардаги тасвирларни, қадимий буюмларни ўз жойига боғлаб ўрганишни; учинчидан, меъморчилик обидалари, тарихий марказлар, кварталлар, майдонлар, кўчалар, шаҳар ва бошқа аҳоли яшайдиган манзилларнинг қадимий тузилиши, қурилиши ва қолдиқларини; sanoat, ҳарбий, диний, халқ меъморчилиги иншоотларини, табиат ландшафтларини ўз ҳудудига мослаб ўрганишни; тўртинчидан, санъат ёдгорликлари – монументал, тасвирий, амалий-декоратив ва бошқа турдаги санъат асарларини; бешинчидан, ёдгорлик ҳужжатлари – давлат ҳокимият органлари ва давлат бошқарув органларининг актлари, бошқа ёзма ва график ҳужжатлар, кино-фото ҳужжатлар ва товуш ёзувлари, шунингдек, қадимий ва бошқа қўлёзмалар ҳамда архивлар, фольклор ва музыка

ёзувлари ва шу каби нодир материалларни излаб топиш, ўрганиш ва умумлаштириш вазифаларини кўяди.

Мактаб музейи олдида жуда катта ва улкан вазифалар қўйилган бўлса-да, халқ ва давлат музейларидан ўзига хос хусусиятлари билан тубдан фарқ қилади. Биринчидан, бу музей мактаб ўқитувчилар жамоаси ҳамда ёшлар ташкилотлари томонидан йиғилган материаллар асосида ташкил этилган, иккинчидан, бу музей ўқувчилар учун мўлжалланган, учинчидан, музейдан фақат юксак тарбиявий мақсаддагина эмас, балки таълим жараёнида ҳам унумли фойдаланиш мумкин.

Мактаб музейи ташкил қилинган мактабларда ўқувчиларнинг ижтимоий фанлардан олаётган билимлари, мустақил ишга ва меҳнатга, ўтмиш тарихи ва маданиятига қизиқишлари ўсиб бораётганлиги аниқланмоқда. Шунингдек, юқори синф ўқувчиларининг билим доираси кун сайин кенгайиб, дастлабки илмий-тадқиқот ишларига бўлган қизиқиши сезиларли даражада ўсмоқда. Давлат музейлари бўлмаган районларда мактаб музейининг вазифаси янада мураккаброқ бўлади. Бундай ҳолларда мактаб музейи маҳаллий аҳолини ҳам ўзига жалб қилади ва тарихий ёдгорликларни сақлаш ва улардан фойдаланишга бўлган қизиқишини орттиради.

Мактаб музейи илмий тизимга солинган, барча материаллар тўпланиб, намоёниш қилишга тайёрланган, тарих ва маданият ёдгорликларининг имкони борича асл нусхасини ёки ҳар хил воситалар ёрдамида кўчирма(нусха) олиб, ўлкашуносликнинг манбалари бўйича даврлаштириб қўйиладиган, мактаб жамоаси, ўқувчилар ҳамда ўша ҳудудда истиқомат қилувчи маҳаллий аҳолига мўлжалланган кичик бир бошланғич илмий, маданий муассасадир.

Музейга материаллар жойлаштирилаётганда, албатта туман ёки вилоят ўлкашунослик музейлари ходимларидан маслаҳат олиш зарур.

Чунки, материалларни хронологик асосда жойлаштириш давлат ва халқ музейларидан фарқ қилмаслиги керак.

Мактаб музейи соҳасини танлаб олишда мактаб ёшлар ташкилотлари ва ўқитувчилар жамоаси ҳамда ота-оналар қўмитаси унинг ғоявий-сиёсий ва таълим-тарбиявий вазифаларини ҳисобга олишлари керак.

Мактаб музейига асосий соҳа қилиб маданият обидалари ва тарихий жойлар танлаб олинса, мақсадга мувофиқ бўлади.

Бунда бевосита юқорида таъкидлаб ўтилганидек, ўз ўлкасидаги мавжуд тарихий, моддий ва маънавий ёдгорликларни қидириб, у ерлардан музей учун яроқли бўлган археология, этнография, топонимикага оид топилмаларни музей фондига топшириш ва шу йўл билан экспонатлар сонини кўпайтириш мумкин.

Мабодо мактаб шароити учун қадимги даврни ўрганиш қийинлик туғдиргундай бўлса ёки материал топилмаса, ошкоралик, демократия, тарихни рўй-рост ёритиш кенг авж олдирилган ҳозирги даврни ўрганиш ва шу ҳақда материал тўплаш, мана шулар асосида музей ташкил қилиш ҳам мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, вилоят ва туман ўлкашунослик музейлари шу ўлка маданияти ва санъати, касб-кори, амалий ишлари ҳақида атрофлича маълумот бериб, ҳамма вақт узоқ-яқинда яшовчи аҳоли, айниқса мактаб болалари учун тез-тез бориб туриш имконини беравермайди. Мактабларда таълим жараёни билан биргаликда олиб бориладиган тарбия, маданий ва маърифий юксалиш ишларида кўрғазмали қуролларнинг аҳамияти жуда катта. Шунинг учун ҳам мактабларнинг ўзида шу ҳудуд тарихи, жойлар ҳақидаги маълумотлар, айниқса тарихий обидалар, машҳур кишилар хотира ёдгорликлари ҳақидаги материаллар жамланган музейларнинг ташкил этилиши бевосита болаларнинг ўқув жараёнида олган билимларига қўшимча тарзда маълумотларга эга бўлишларига олиб келади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Каримов И. А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ.. “Мулоқот”, № 5. 1998 йил.
2. Каримов И. А. Миллий истиқлол мафкураси. Т., “Ўзбекистон”, 2000 йил.
3. Каримов И. А. Маънавий юксалиш сари. Т., 1998 йил.
4. Каримов И. А. Жамиятимиз мафкураси халқни халқ, миллатни Миллат қилишга хизмат этсин: «Тафаккур» журнали бош муҳаррирининг саволларига жавоблар. Т., «Ўзбекистон», 1998 йил.
5. Каримов И. А. Баркамол авлод орзуси. Т., Ўзбекистон, 1999 йил
6. Каримов И. А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. Т., Ўзбекистон, 2001 йил
7. Каримов И. А. «Камолот» ёшларимизнинг чинакам суянчи ва таянчи бўлсин. Т., Ўзбекистон, 2001 йил.
8. Жабборов И. Ўзбек халқ этнографияси. Т., 1997 йил.
9. Б.Орипов. Тасвирий санъат ва чизмачилик кабинети, синфдан ташқари ишлар. Т. 1974 й.
10. Б.Орипов. Тасвирий санъат дарслари самарадорлигини ошириш омиллари. Т. 1978 й.
11. Косова И. М. Музей в культурной жизни края. М., 1989 г.
12. Б.Н.Орипов. Тасвирий санъатни ўқитиш услубиёти. Н. 2001 й. (ўқув кўлланма).
13. Б.Н.Орипов, Б.Б.Орипов. Тасвирий санъатни ўқитиш методикаси. (дастур). Н. 2001 й.
14. М.Набиев, Б. Азимова. Расм чизишни ўргатиш методикаси.Т.1976й.
15. Музей заллари бўйлаб. Адабиёт музейи. Т., 1996 й
16. Р.Ҳасанов. Тасвирий санъат машғулотларини такомиллаштириш. Т. 1986 й.
17. Р.Ҳасанов. Бошланғич синфларда тасвирий санъат дарслари.Т.1983й.
18. Музейлар нашр этган йўл кўрсаткичлари, каталоглар, буклетлар.

19. Б.Орипов, А.Турдалиев. Тасвирий санъатни ўқитиш методикаси. Т. 1991 й.
20. Н. Абдуллаев Санъат тарихи. Т-1987 й.
21. Қаюмов А. Музей ишининг фидойиси. Бухоро, 2000 й.
22. Б. Жаборов. Рангшуносликка оди айрим атама ва ибораларнинг изохли луғати Т-2001 й
23. Н. Норматова. Тасвирий санъат атамалари луғати. Ўзбекистон бадиий академияси Т-1998 й.
24. Содикова Н. Маданий ёдгорликлар хазинаси. Т., “Фан”, 1991 йил
25. Хасанов Р. Тема асосида расм чизиш жараёнида эстетик тарбия. – Т, Ўқитувчи, 1980.
26. Хасанов Р. мактабда тасвирий санъат машғулотларини такомиллаштириш йўллари. – Т, Ўқитувчи, 1986.
27. Қаюмов А. Академик Аҳмадали Асқаров. «Фан» нашриёти, Т., 2003 й.
28. Хасанов Р. Эгамов Х. Тасвирий санъат ва бадиий меҳнат дарслари. Биринчи синфлар учун методик қўлланма. – Т, Ўқитувчи, 1897.

Интернет маълумотлари

1. <http://www.uz>
2. <http://www.ziyonet.uz>
3. <http://www.google.uz>
4. <http://www.san'at.uz>
5. <http://www.Muzey.ru>